

ЎЗБЕКИСТОНДА ПУЛ АЙЛАНМАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Турдиева Якитжон Хайитбаевна

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

*Мақолада иқтисодиётда пул айланмасини мустаҳкамлаш мақсадида нақд
пулсиз ҳисоб – китобларнинг аҳамияти каби масала ёритилган.*

Калит сўзлар: пул айланмасини, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт,
инновацион ривожланишни.

НЕКОТОРЫЕ АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ УКРЕПЛЕНИЯ ДЕНЕЖНОГО ОБРАЩЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Турдиева Якитжон Хайитбаевна

Преподаватель Ташкентского государственного
экономического университета

АННОТАЦИЯ

*В этой статье рассматривается значение безналичных денежных
расчетов для укрепления денежного обращения экономики*

Ключевые слова: денежное обращение, социально-экономическое
развитие, инновационное развитие.

SOME TOPICAL ISSUES OF STRENGTHENING MONETARY CIRCULATION IN UZBEKISTAN

Turdieva Yakitjon Khayitbaevna

Teacher of the Tashkent State University of Economic

ANNOTATION

*This article discusses the importance of cashless payments to strengthen the
monetary circulation of the economy*

Key words: money circulation, socio-economic development, innovative
development.

КИРИШ

Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни инновацион ривожланишни,
кенг кўламли илмий-техник кооперациясиз ва янги технологиялар, илм-фан ва

техника ютуқларини жорий этмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай ютуқлар иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида бўлгани сингари пул-кредит соҳасида ҳам тадбиқ этилиши давримизнинг энг долзарб масалаларидан биридир. Айнан пул-кредит муносабатлари ривожланишининг бугунги босқичида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш ресурслар тежамкорлигини асосий омилига айланаётгани учун ҳам муҳим масала сифатида олсак бўлади. Бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг ривожини миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ҳамда маблағлар айланишининг тезлашишига олиб келади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида нақд пулсиз ҳисоб китоблар тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилмоқда.

МЕТОДОЛОГИЯ

Пул муомаласини мустаҳкамлашнинг аҳамияти ва долзарблиги шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири – бу пул айланмасини тўғри ва аниқ ташкил қилишдан иборат, чунки, тараққиётнинг янги босқичида бозор иқтисодиёти товар-пул муносабатларининг ҳолати ва тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг хўжалик фаолияти жараёнида доимо бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Улар ўртасида товар айирбошлаш жараёни пул ва пулли ҳисоб-китоблар ёрдамида амалга оширилади. Товар айирбошлашнинг ўзи эса пул айланмасининг моддий асоси ҳисобланади. Унинг асосида бошқа пулли муносабатлар, жумладан, пенсия фонди, суғурта фонди, солиқ идоралари, банк муассасалари билан бўладиган пулли муносабатлар вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 4-сентябрдаги “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларига олиб бориш тўғрисида” ги 60-сонли қарорига мувофиқ олиб борилади. Унда айтилишича

“Пул айланмаси - нақд пуллик ва нақд пулсиз шакллардаги пул белгиларининг узлуксиз ҳаракат жараёнидир. Қийматнинг ўзидан ажралганлиги, ҳозирги пул айланмасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳозирги пул айланмаси металл пуллар муомаласи шароитидаги каби

қийматли эмас, чунки пул белгисининг қиймати номиналдан анча кам ва унинг аҳамияти бўлмаслиги мумкин. ^{1»}

Чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш асосан нақд пулда амалга оширилади. Бундан ташқари, нақд пуллар айланмасига коммунал хизматлар учун тўловлар, маиший хизматлар учун тўловлар, ишчи – хизматчиларга иш хақи ва шунга тенглаштирилган тўловларни тўлаш, суғурта ташкилотларга бадаллар тўлаш, уй-жой ва бошқа мақсадлар учун аҳоли томонидан олинган кредитни нақд пул кўринишида қайтариш билан боғлиқ тўловларнинг тўланиши киради. Иқтисодиётда бўладиган пул айланмасининг 70-80 фоизини нақд пулсиз айланма ташкил этади. Нақд пулсиз айланма нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари асосида олиб борилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кенг ишлатилишига кўп тармоқли банк тизимининг ривожланиши, давлат томонидан макроиқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уни тартибга солиш нуқтаи назаридан давлатнинг қизиқиши, мулкчилик шакллариининг кўпайиши ва турли мулкчилик шаклларига тегишли бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиб бориши асос бўлади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда, корхона ва ташкилотларнинг товар айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва товарсиз операциялари бўйича бир-бирига бўлган талаб ва мажбуриятларни нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини бир ҳисобварақдан иккинчи ҳисобвараққа ўтказиш орқали амалга ошириш тушунилади. Масалан , “тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар, мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар, тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар , инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар, аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар” ² Бу борада нақд пулсиз ҳисоб- китобларни амалга ошириш тамойилларини тўлиқ бажариш катта аҳамиятга эга, чунки айнан улар пул айланмасининг пулсиз ҳисобини таъминловчи иқтисодий дастак бўлиб хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат: улар миқдорларга маблағларни сақлаш ва ўтказиш учун очиладиган банк ҳисоб варақлари бўйича амалга оширилади; ҳисоб варақлардан тўловлар банклар томонидан ҳисоб варақлар эгаларининг фармойиши бўйича тўловларнинг улар белгилаган навбатлилиги тартибида ва ҳисоб варақдаги маблағларнинг қолдиғи доирасида амалга оширилиши лозим³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 4-сентябрдаги “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларига олиб бориш тўғрисида” ги 60- сонли қарори

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори, 13.04.2020 йилда рўйхатдан ўтган

³ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 01.11.2019 йилдаги ЎРҚ-578-сон

Бундан ташқари банклар мижозларнинг шартномали муносабатларига аралашмайди; тўловнинг шартномаларда, Молия вазирлиги йўриқномаларида назарда тутилган муддатлар асосидаги муддатлилиги; тўловнинг таъминланганлиги, тўловчида (ёки унинг кафилида) пулларни олувчи олдидаги мажбуриятларни узиш учун қўлланилиши мумкин бўлган, ликвидли маблағларнинг мавжудлиги масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга.


НАТИЖА

Иқтисодиётда амал қиладиган умумий тўлов айланмасининг таркибий қисмларидан бири - нақд пуллик айланма ҳисобланади. Кўпинча пул маблағлари айланмасининг бу қисмини пул муомаласи дейилади. Пул муомаласи пул айланмасининг нақд пул маблағларининг муомаласи, пул белгиларининг бир юридик ва жисмоний шахслардан бошқа шахсларга доимий тарзда ўтиб юриши билан боғлиқ қисмидир. Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими соҳасида нақд пулли ҳисоб-китоблар муомаласини қуйидаги инфографика орқали кўришимиз мумкин. Масалан, 2022 йил январь-сентябрь ойларида банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми 503,0 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 39,3 фоизга ошди.⁴

Жумладан, банк кассаларига нақд пул тушумлари 244,3 трлн. сўмни, ўз навбатида, чиқим қилинган нақд пуллар 258,7 трлн. сўмни ташкил этди.

Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси

(2020-2022 йилларнинг январь-сентябрь ойлари) млрд. сўмда



1-расм


⁴ https://cbu.uz/oz/press_center/reviews/703261/

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида банк кассаларига жами нақд пул тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,7 фоизга ошган бўлса, савдо ва хизматлар соҳасидан тушумлар 27,5 фоизга (24,7 трлн. сўм) ва банк хизматларидан нақд пул тушумлари 62,3 фоизга (31,8 трлн. сўм) ошди. Жами тушумлар таркибида савдо ва хизматлар соҳасидан тушумлар улуши 3,4 фоиз бандга камайиши кузатилди. 2022 йилнинг 9 ойида савдо ва хизматлар соҳасидан жами тушумлар 183,1 трлн. сўмни ташкил қилиб, шундан 62,6 фоизи (114,6 трлн. сўм) нақд шаклда, 37,4 фоизи (68,5 трлн. сўм) терминаллар орқали банк ҳисоб рақамларига кириш қилинди. Ўтган йилнинг шу даврида мос равишда 64,4 фоизи (89,9 трлн. сўм) нақд шаклда, 35,6 фоизи (49,6 трлн. сўм) терминаллар орқали банк ҳисоб рақамларига кириш қилинган.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида банк кассаларидан (шу жумладан, банкоматлардан) берилган нақд пуллар 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 41,8 фоизга (76,2 трлн. сўм) кўпайди. Ушбу ўсишнинг асосий қисми банк карталаридан нақд пул ечиш миқдори 38,6 трлн. сўмга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 57,7%), аҳолининг омонат ҳисоб рақамларидан нақд пуллар олиш ҳажмининг 4,9 трлн. сўмга (38,7 %) ва банклар томонидан нақд чет эл валютасини сотиб олиш операцияларини 17 трлн. сўмга (35,6%) ошиши ҳисобига юзага келди.


Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси

(2020-2022 йилларнинг январь-сентябрь ойлари) млрд. сўмда



2-расм

**Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни
нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси**
(2020-2022 йилларнинг январь-сентябрь ойлари) млрд.сўмда



3-расм

Шуни қайд қилиш керакки, нақд пуллик айланма бир қатор афзалликларга эга, улар қуйидагилардан иборат:

- маблағларнинг тез етказиб берилиши; ҳисоб-китобларнинг ўтказилиши тўғрилигини зудлик билан текшириш мумкинлиги;
- мавжуд ресурслар миқдори юзасидан аниқ ахборотнинг мавжудлиги;
- қарзларнинг пайдо бўлиши имкониятининг истисно қилиниши.

Пул айланмаси таркибида нақд пуллик ёки нақд пулсиз ҳисоб китоблар ҳажмининг паст ёки юқори эканлиги қатор омиллар билан изоҳланади.

Ушбу омиллар таъсирини билиш, улар мазмун-моҳиятини ўрганиш нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали пул айланмасини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўзгаришига қуйдаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ҳолати, аҳолининг маънавий, иқтисодий ва ҳуқуқий онги; миллий иқтисодиётни вошқариш тартиби ва ривожланиш даражаси;
- мамлакат банк тизимининг ривожланиш даражаси ва унга аҳоли ишончининг мустаҳкамлиги;

- реал секторларнинг ривожланганлиги ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги;

- марказий банкнинг пул – кредит сиёсатини амалга ошириш бўйича мустақиллигининг таъминланганлик даражаси.

Пул айланмаси пул маблағлари ҳаракатининг муайян йўлларида таркиб топади. Ана шу ҳаракат йўлларида пул маблағлари қай даражада тезкорлик ва тўлиқлик даражада бўлишлиги, уларнинг узилиб қолмаслиги пул айланмаси барқарорлигини белгилайди.”⁵ Пул айланмаси доирасида, пул маблағлари қуйидаги йўллар орқали ҳаракатланади:

-мблағларнинг марказий банк билан тижорат банклари ўртасидаги ҳаракати;

-пул маблағларининг тижорат банклари ўртасидаги ҳаракати;

-фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳаракат; банклар, фирмалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳаракат;

-банклар ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат;

-фирмалар, ташкилотлар ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат;

-банклар ва молия институтлари ўртасидаги ҳаракат;

-молия институтлари ва аҳоли ўртасидаги ҳаракат;

- жисмоний шахслар ўртасидаги ҳаракат.

Пул айланмаси моҳиятини янаям чуқурроқ аниқлаш учун унинг объекти ва субъектларига эътибор бериш мақсаддга мувофиқ. Пул айланмаси субъектлари сифатида давлат ва нодавлат муассасалари, Марказий банк, кредит ва молия муассасалари, мамлакат резиденти ва норезидентлари, корхона ва ташкилотларни мисол келтириш мумкин. Унинг объекти эса товар ва товарсиз операциялар жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар, яъни айланмалар ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ҳукмронлик қилганида, ҳисоб-китобни амалга оширишнинг нақд пуллик тури энг устун ўринни эгалламасада, лекин тўлов воситаларидан фойдаланишнинг умумий ҳажмининг катта қисмини ташкил этади. Ва, ниҳоят, постиндустриал иқтисодиётга ўтишда нақд пул маблағлари аслида иқтисодиётда амал қилмай қўяди. Уларнинг ўрнини, ҳисоб-китоблар ҳамма жойда электрон пул воситаларидан фойдаланиш орқали бажариладиган, нақд пулсиз шакл эгаллайди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 4-сентябрдаги “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларига олиб бориш тўғрисида” ги 60- сонли қарори

ХУЛОСА

Шундай қилиб, тараққиётнинг янги босқичида мамлакатларнинг кўпчилиги иқтисодий контрагентлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг нақд пуллик шаклидан секин-аста воз кечиш тенденциясини бошдан кечиришмоқда. Дунёда кечаётган бундай ўзгаришлар шароитида мамлакатимизда ҳам пул айланмасини мустаҳкамлашда, унга таъсир этувчи омиллар назоратини кучайтириш ва ҳисоб-китоб шакллари кўллаш амалиётини янада кенгайтириш лозим.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг такомиллашуви ва ривожланиши натижасида банкларда ҳисоб-китобларни ташкил этиш самарадорлигининг янада ошишига, операцион харажатларнинг камайишига ҳамда пул маблағлари айланиш жараёнининг тезлашишига эришилади. Натижада, мамлакатимиз иқтисодиёти янада барқарорлашиб, пировардда мамлакатда ҳисоб-китоб интизоми мустаҳкамланади ва иқтисодиётнинг янада ривож топишига асос бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 4-сентябрдаги “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларига олиб бориш тўғрисида” ги 60- сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизими тўғрисида” ги 01.11.2019 йилдаги ЎРҚ-578-сонли қарори
3. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. Дарслик – Тошкент, Молия, 2007.
4. www.lex.uz.
5. 2005-2022 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти